

Исмоил Рожи ал-Форуқий

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МОҲИАТИ



ДАВРИЙ БЎЛМАГАН НАШРЛАРНИНГ 21-СЕРИЯСИ

ДАВРИЙ БЎЛМАГАН НАШРЛАРНИНГ 21 СЕРИЯСИ

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МОҲИАТИ

Исмоил Рожи ал-Форукий



Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

Бишкек 2023

УДК 297
ББК 86.38-3
В 87

Китоб ҳомийси:
Халқаро ислом тафаккури институти
Херндон Виржиния
Билимлар интеграцияси институти
Гуржистон Тбилиси

Китоб муаллифи: Исмоил Рожи ал-Форуқий
Китобни ўзбекчага таржима қилган: Фарҳад Абдуллаҳ: – Б.: 2023
Китоб муҳаррири: Мирзахидова Мияссар

Ушбу китоб муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган. Нашриётнинг ёзма рухсатисиз ҳамда лицензион шартномага асосланган қонуний истисно ва қоидалардан ташқари, китобнинг бирон бир қисми нашр қилиниши мумкин эмас. Ушбу китобда билдирилган қарашлар ва фикрлар муаллиф ёки нашриётнинг фикрларини ақс эттириши шарт эмас. Ташқи ва хорижий web-сайтларда ношир URL манзилларнинг тўғрилиги учун жавобгар эмас ва бундай сайтлардаги материалларнинг аниқ ёки долзарблигига қафолат бермайди.

«Ёҳсон Хайрия» жамоатчилик фонди томонидан нашр қилинган.

**Ушбу китоб Қирғизистон мусулмонлари диний идораси томонидан
тасдиқланган №52**

Ислом Цивилизацияси моҳияти (Uzbek)

Исмоил Рожи ал-Форуқий
ИИТ «Даврий бўлмаган нашрларнинг 21-серияси»

© Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)
1445 АН / 2023 СЕ
Paperback ISBN 978-9967-493-63-6

The Essence of Islamic Civilization (Uzbek)

Ismail al-Faruqi
ИИТ «Occasional Paper series 21»

© The International Institute of Islamic Thought (IIIT)
1434 АН / 2013СЕ
Paperback ISBN 978-1-56564-597-4
ИИТ
P.O.Box 669
Herndon, VA 20172, USA
www.iiit.org

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган
ISBN 978-9967-493-63-6

УДК 297
ББК 86. 38-3

МУҚАДДИМА

Халқаро ислом тафаккури институти Исмоил ал-Форуқийнинг “*Ислом Цивилизацияси моҳияти*” номли даврий бўлмаган нашрларнинг 21-сериясини тақдим этишдан мамнун. У дастлаб Исмоил ал-Форуқий ва Лоис Ламия ал-Форуқий томонидан 1986-йилда *Ислом Маданияти Атласининг* тўртинчи боби сифатида нашр этилиб, Ислом динининг яхлит дунёқарашини, унинг эътиқодини, анъаналарини, институтларини ва дунёдаги ўрнини ифодаловчи йирик ва нуфузли асарнинг бир қисмига айланди. Харитадаги расмлардан ташқари, бошқа барча расмлар янгиланган ва бошқача кўрсатилмаган бўлса, асл эмасдир.

Профессор Исмоил ал-Форуқий (1921-1986) фаластинлик-америкалик файласуф, кўрувчи ва қиёсий диншунослик бўйича эътиборли одам эди. Буюк замонавий ислом олими, унинг билимдонлиги дин, Ислом тафаккури, билимга ёндашувлар, тарих, маданият, таълим, динлараро мулоқот, эстетика, ахлоқ, сиёсат, иқтисод ва фан каби соҳаларни қамраб олувчи исломшуносликнинг бутун спектрига тарқалган. Шубҳасиз, ал-Форуқий XX асрнинг буюк мусулмон алломаларидан бири эди. Ушбу мақолада у *тавҳидни* (яккахудоликни) моҳияти ва Ислом цивилизациясига ўзлигини берадиган биринчи белгилувчи тамойил сифатида кўрсатиб, Исломнинг маъноси ва хабарини бутун дунёга тақдим этади.

1981-йилда ташкил этилган Халқаро ислом тафаккури институти исломий қарашлар, қадриятлар ва тамойилларга асосланган жиддий илмий саъй-ҳаракатларни илгари суришда йирик марказ бўлиб хизмат қилди. Сўнгги ўттиз йил ичида институтнинг тадқиқот, семинар ва конференция дастурлари тўрт юздан ортиқ асарларни инглиз ва араб тилларида нашр этишнинг натижаси бўлиб, уларнинг аксарияти бошқа асосий тилларга таржима қилинди.

АНАС С. АЛ ШАЙХ-АЛИ

*Халқаро Ислом тафаккури институти
Лондон офиси илмий раҳбари*

Ислом цивилизацияси

МОҲИЯТИ

Ислом цивилизациясининг моҳияти Ислом эканлигига шубҳа йўқ, Исломнинг моҳияти эса *тавҳиддир*, яъни Аллоҳни ягона, мутлақ, трансцендент (тажриба билан билиб бўлмайдиган), барча махлуқотнинг Яратувчиси, Раббиси ва Хукмдори сифатида тасдиқлаш ҳаракати.

Ушбу иккита асосий дастлабки шарт ўз-ўзидан равшан. Улар ҳеч қачон ушбу цивилизацияга мансуб бўлганлар ёки унда иштирок этганлар томонидан шубҳа туғдирмаган. Яқиндагина миссионерлар, шарқшунослар ва Исломнинг бошқа шарҳловчилари улар ҳақида шубҳа туғдиришди. Мусулмонларнинг таълим даражаси қандай бўлишидан қатъий назар, улар Ислом цивилизацияси ҳақиқатан ҳам моҳиятга эга эканлигига, бу моҳият англаб бўладиган ва уни таҳлил қилиш ёки тавсифлашга қодир эканлигига, унинг *тавҳид* эканлигига шак-шубҳасиз ишонадилар.¹ Ушбу бобнинг мавзуси Ислом цивилизациясининг биринчи асосий белгиловчи тамойили сифатида *тавҳидни* моҳият ўрнида таҳлилидир.

Тавҳид Ислом цивилизациясига ўзига хосликни берадиган, унинг барча таркибий қисмларини бир-бирига боғлайдиган ва шу тариқа уни биз цивилизация деб атайдиган яхлит, органик танага айлантирадиган нарсадир. Цивилизация моҳияти (бу ўринда – *тавҳид*) бир-биридан батамом ажралиб турадиган унсурларини бир-бирига боғлаб, уларда ўз изини қолдиради. *Тавҳид* уларни бошқа унсурлар билан уйғунлаштирадиган ва уларни ўзаро қўллаб-қувватлайдиган тарзда янгидан ясайди. Моҳият уларнинг табиатини ўзгартирмасдан цивилизацияни ташкил этувчи унсурларни ўзгартиради ва уларга ушбу цивилизациянинг таркибий қисмлари сифатида янги хусусият беради. Ўзгартириш доираси турли хил унсурларга ва уларнинг вазифаларига қанчалик мос келишига қараб бутунлай ўзгариши

мумкин. Цивилизация ҳодисаларини мусулмон кузатувчилари онгида ушбу мақбуллик муҳим ўрин эгаллаган. Шунинг учун улар *тавҳидни* энг муҳим асарлари учун сарлавҳа қатори олганлар ва унинг ҳомийлигида барча мавзуларни чоп этганлар. Улар *тавҳидни* бошқа барча тамойилларни ўз ичига олган ёки белгилайдиган энг асосий тамойил деб ҳисоблашган. Шунингдек, улар унда Ислом цивилизациясининг барча фавқулодда ҳодисаларини белгилайдиган манбани, ибтидоий манбани топганлар.

Анъанавий ва содда қилиб айтадиган бўлсак, *тавҳид* “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ” деган маслак ва гувоҳликдир. Ушбу баёноат ғоят қисқа бўлса ҳам Исломда энг катта ва энг бой маънога эга. Баъзан бутун бир маданият, бутун бир цивилизация ёки бутун бир тарих битта жумлага ўрнашади. Бу, албатта, Исломнинг калимага (сўз) ёки шаҳодатга (гувоҳлик) тегишли бўлганлигида. Ислом динининг хилма-хиллиги, бойлиги ва тарихи, маданияти ва билими, ҳикмати ва цивилизацияси каби жумлалари “*Ла илаҳа иллаллоҳ*” – энг қисқа жумласида мужассамлашган.

Тавҳид – дунёқараш сифатида

Тавҳид – бу воқелик, ҳақиқат, дунё, макон ва замон, шунингдек, инсоният тарихи ҳақида умумий қарашдир.

Тавҳид қуйидаги тамойилларни ўз ичига олади:

Дуализм (икки ёқламалик)

Воқелиқнинг иккита умумлашган тури мавжуд: Худо ва худосиз, шунингдек, Яратувчи ва яратгандир. Биринчи тартиб фақат битта аъзодан иборат; яъни Мутлақ ва Қодир Аллоҳдан иборат. У ёлғиз Худодир, Яратувчи, абадий ва трансцендент. Унга ўхшаш ҳеч нарса ва ҳеч ким йўқ, У абадий, мутлақо ноёб, шунингдек, Унинг шериклари йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Иккинчи тартиби – макон-замон, тажриба, яратилиш тартибидир. У дунёни, барча мавжудотларни, нарсалар ўсимлик ва ҳайвон-

лар оламини, одамларни, жинларни ва фаришталарни, осмонни ва ерни, жаннатни ва дўзахни, шунингдек, уларнинг вужудга келганидан буён ўсиб-ривожланишларини ўз ичига олади. Яратувчи ва Яратганнинг мавжудлиги, онтологияси, шунингдек, борлиги ва фаолияти жиҳатидан тўлиқ ва мутлақо беқиёсдир. Бирининг бошқаси билан бирлашиши, қўшилиб кетиши, аралашishi ёки бошқасига тарқалиши асло мумкин эмас. На Яратувчи онтологик жиҳатдан яратилганга айлана олади, на мавжудот қандайдир тарзда ёки бирон-бир маънода Яратувчига айланадиган даражада ўзини ўзи ўзгартира олади.²

Ғоявийлик

Воқеликнинг иккита тартиби ўртасидаги муносабат ғоявий. (фараз қилинган) Унинг инсондаги жўналиш нуқтаси тушуниш қобилиятидир. Тушуниш орган ва билим сақланадиган жой сифатида хотира, тасаввур, мулоҳаза, кузатиш, ички ҳис, идрок ва бошқаларнинг барча гносеологик функцияларини ўз ичига олади. Барча кишиларга тушунча ато этилган. Уларнинг инъоми Худонинг иродасини қуйидаги усуллардан бири ёки иккаласи билан тушунишнинг кучлилигида: бу ирода инсонга сўз билан, бевосита Худо томонидан ифодаланганда ва яратилишни кузатувдан Илоҳий ирода хулоса чиқарилганида.³

Телеология


Космоснинг табиати телеологик, яъни аниқ бир мақсадга қаратилган бўлиб, у Яратувчиси мақсадига хизмат қилади ва уни айнан бир ният туфайли амалга оширади. Дунё беҳудага ва ҳазил учун яратилмаган.⁴ Бу тасодиф эмас. У мукамал ҳолатда яратилган. Мавжуд бўлган ҳамма нарса ўзига хос даражада бор бўлади ва маълум ҳарёқлама мақсадни бажаради.⁵ Дунё ҳақиқатан ҳам “бетартиблик” эмас, балки “космос”, тартибга солинган яратилишдир. Унда Яратувчининг иродаси ҳар доим амалга ошмоқда. Унинг намуналари табиий қонуният зарурати билан бажарилади, шунинг учунки, улар нарсаларнинг та-

биатига хосдир. Инсондан бошқа ҳеч қандай мавжудот Яратгувчи, унга олдиндан белгилаб қўйганидан бошқача ҳаракат қилмайди ёки бор бўлмайди.⁶ Одам – бу Худонинг иродаси мажбурий эмас, балки кишининг шахсий розилиги билан амалга ошириладиган ягона мавжудотдир. Инсоннинг жисмоний ва ақлий функциялари табиатнинг ажралмас қисмидир ва шу сабабли улар бошқа барча мавжудотлар сингари уларга тегишли қонунларга бўйсундилар. Аммо маънавий функциялар, яъни тушуниш ва ахлоқий ҳаракат белгиланган табиатдан ташқарига чиқади. Улар ўз мавзусига боғлиқ ва унинг таърифига амал қилишади. Уларнинг Илоҳий иродасини амалга ошириши бошқа мавжудотлар томонидан зарурий бажарилишидан сифат жиҳатидан фарқ қилади. Керакли бажариш фақат табиий ёки амалий қадриятларга тааллуқли, эркин бажариш эса ахлоқий қадриятларга нисбатан қўлланилади. Бироқ, Худонинг ахлоқий мақсадлари ва Унинг инсонга берган амрлари жисмоний дунёда ҳақиқатан ҳам асосга эга, демак, уларда амалий жиҳат бор. Аммо бу уларга ўзига хос фазилат – ахлоқни берадиган нарса эмас. Бу амрларнинг эркин бажарилиши, яъни уларнинг бузилиши эҳтимоли билан биз “ахлоқий” нарсаларга хос бўлган алоҳида кадр-қимматни берадиган жиҳатдир.⁷

Инсон қобилияти ва табиат мослашувчанлиги

Ҳамма нарса маълум бир мақсад билан яратилганлиги туфайли, борлиқ мажмуи бир хил даражада муҳимдир ва бу мақсадни амалга ошириш макон ва замонда мумкин бўлиши керак.⁸ Акс ҳолда, ҳаёсизликдан қочиб бўлмайди. Яратилишнинг ўзи ҳам, макон ва замон жараёнлари ҳам ўз маънолилигини ва аҳамиятини йўқотар эди. Бундай имконият бўлмаса, *таклиф* ёки ахлоқий мажбурият бузилади ва унинг қулаши билан Худонинг мақсадга қаратилганлиги ёки Унинг кучи емирилади. Мутлақни, яъни яратилиш мавжудлигининг илоҳий маъносини амалга ошириш тарихда, аниқроғи яратилиш ва Қиёмат куни орасидаги вақт ичида мумкин бўлиши зарур. Шундай экан, инсон ахлоқий ҳаракат субъекти сифатида ҳам ўзида, ҳам уларда

илохий нақш ёки амрни рўёбга чиқариш учун ўзини, ўз ўртоқларини ёки жамиятни, табиатни ёки атроф-муҳитни ўзгартиришга қодир бўлиши даркор.⁹ Одам ахлоқий ҳаракат объекти сифатида, шунингдек, унинг ўртоқлар ва атроф муҳит инсоннинг, субъектнинг самарали ҳаракатларини идрок эта олиши лозим. Бу қобилият инсоннинг субъект сифатида ҳаракат қилиш ахлоқий қобилиятига тескарисидир. Бусиз одамнинг ахлоқий ҳаракатлар қобилияти имконсиз бўлар эди ва коинотнинг мақсадга қаратилган табиати кулаб тушар эди. Яна такрорлайман, ҳаёсизликдан қочиб бўлмас эди. Яратилиш мақсадга эга бўлиши учун у инсон нақшини ёки мақсадини ўзида мужассам этиш ёки конкретлаштириш учун эгилувчан, ўзгарувчан, моҳиятини, тузилишини, шароитларини ва муносабатларини ўзгартиришга қодир бўлиши керак.



- — — — — Иброҳимнинг (алайҳиссалом) ҳижратлари.
- Иброҳим (алайҳиссалом), Ҳожар ва Исмоил Маккага кўчишади.
- Ёқуб (алайҳиссалом) Хоронга боради; қайтганда ўгли Юсуфни Мисрغا Араб қарвони олиб кетади.
- Ёқубнинг болалари Мисрға кўчиб, Ҳевронга (Ал-Ҳалил) қайтиб келишади.

Маккалик ва Иброний манбалари (милoddан аввалги 1800-йил – милодий 622-йил)

Бу, ўз навбатида, агар Худо Худо бўлса ва унинг иши маъносиз машаққатли меҳнат бўлмаса, зарурий тахминдир. Бу барча яратилишга, шу жумладан, инсоннинг жисмоний, ақлий ва маънавий табиатига тегишли. Яратганларнинг барчаси бу маконда ва шу замонда мутлақ бўлган Худонинг зарурий нарсаларни, иродасини ёки намунасини бажаришга қодир.¹⁰

Масъулият ва Ҳукм

Агар бирор киши илоҳий намунага мос равишда ўзини, жамиятини ва атроф муҳитини ўзгартиришга мажбур бўлса ва бунга қодир бўлса, шунингдек, унинг ҳаракати объекти бўлган ҳар қандай нарса эгиловчан бўлса ва унинг ҳаракатларини қабул қилишга ҳамда унинг мақсадини амалга оширишга қодир бўлса, демек у аниқ масъулдир.

Маккаликлар ва Яҳудийлар амакиваччалардир. Иккаласи ҳам бир аجدод Иброҳимдан (алайҳиссалом), Қуйи Месопотамиядаги Ур шаҳридан келиб чиқади. Иброҳим(алайҳиссалом), ўз халқининг бутпарастлигига қарши кўзголон кўтариб, унинг устидан ҳукмларидан қочиб, Аморийларнинг кўчманчи қабилаларига қўшилиб, Канъонга келган. У тўнғич ўғли Исмоилни Маккага жойлаштирган ва бирга у ерда Каъба қурган. Исмоил Маккалик Қурайи қабиласининг меросхўри бўлган. Иброҳимнинг яна бир ўғли Исҳоқ ва унинг авлодлари Канъонга жойлашишига интилганлар, аммо деярли минг йил давомида ҳам буни қила олмаганларидан сўнг улар саргардон бўлиб Мисрга кетишган. Улар кейинги минг йилликда Канъонга жойлашганлар, лекин Канъон билан аралашши ва ундан ажралиши ўртасида бўлиниб кетишган. Уларнинг Канъонда туришлари ҳалокат билан тугаган. Омон қолганлар эса кейинги икки минг йилликда дунё бўйлаб тарқалиб кетганлар.

Ахлоқий мажбурият жавобгарликсиз ва ўчсиз (ҳисоб-китобсиз) мумкин бўлмайди. Агар бирор киши масъул бўлмаса ва ўз ҳаракатлари учун жавобгарликни устига олмаса, беадаблик яна муқаррар бўлади. Ҳукм ёки жавобгарликни амалга ошириш

ахлоқий мажбуриятнинг, ахлоқий қатъийликнинг зарур шартидир. Бу “нормага мувофиқликнинг” табиатидан келиб чиқади.¹¹ Ҳисоб-китоб, замон-маконда ёки унинг охирида ёки ҳар иккаласида содир бўлишидан қатъий назар, содир бўлиши керак. Худога итоат қилиш унинг амрларидан хабардор бўлишни англатади ва Унинг намунасини ҳаётга татбиқ этиш яхшиликка ва муваффақиятга, бахтга ва енгилликка эришиш демакдир. Буни қилмаслик, яъни Унга итоатсизлик қилиш жазо, кулфат, бахтсизлик ва муваффақиятсизлик азобига дучор қилишни билдиради.

Тавҳид – цивилизациянинг моҳияти сифатида

Тавҳид Ислом цивилизациясининг моҳияти сифатида икки жиҳат ёки ўлчовга эга: услубий ва мазмундор. Биринчиси: цивилизациянинг дастлабки тамойилларини кўллаш ва амалга ошириш шакллари белгилайди, иккинчиси эса дастлабки тамойилларнинг ўзларини белгилайди.

Услубий ўлчов

Услубий ўлчов уч тамойилни ўз ичига олади, чунончи: бирлик, рационализм (ҳаётга ақл кўзи билан қараш) ва бағрикенглик. Улар Ислом цивилизацияси шаклини, унинг ҳар бир бўлимини қамраб оладиган шаклини белгилайди.

БИРЛИК. Бирликсиз цивилизация бўлмайди. Агар цивилизацияни ташкил этувчи унсурлар бирлаштирилмаса, тўқилмаса ва бир-бири билан уйғунлаштирилмаса, улар цивилизация эмас, балки конгломератларнинг мошкичирисидир. Турли унсурларни бирлаштирадиган ва уларни ўз доирасида тушуниб етадиган та-



мойил зарур. Бундай тамойил унсурларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги аралашмасини устувор савиялар ёки муҳимлик даражалари сезиладиган тартибланган тузилишга айлантирар эди. Ислом цивилизацияси унсурларни тартибли тузилишга жойлаштиради ва уларнинг мавжудлигини ва муносабатларини ягона қолип бўйича бошқаради. Унсурларнинг келиб чиқиши ҳам маҳаллий, ҳам хорижий бўлиши мумкин. Чиндан ҳам, унга бегона бўлган баъзи унсурларни қабул қилмайдиган цивилизация йўқ. Муҳими шундаки, цивилизация ушбу унсурларни ўзлаштиради, яъни уларнинг шакллари ва муносабатларини қайтадан қилади ва шу билан уларни ўз тизимига бирлаштиради. Уларни ўз шаклига «тузиш» аслида уларни янги воқеликка айлантиришни англатади. Бу ерда улар энди ўз-ўзидан ёки аввалги қарамлигида эмас, балки улар бирлаштирилган янги цивилизациянинг ажралмас таркибий қисмлари сифатида мавжуд. Бундай унсурларнинг мавжудлиги ҳеч қандай цивилизацияга қарши далил эмас. Бироқ бу ҳар қандай цивилизация шунчаки бегона унсурларни кўшганда, уларни номувофиқ тарзда, қайта ташкил этмасдан, шаклланмасдан ёки интеграциясиз амалга оширганда унга қарши жуда қаттиқ, қақшатқич далилдир. Шу йўсинда унсурлар цивилизация билан бирга яшайди. Улар узвий равишда унга тегишли эмас. Аммо агар цивилизация уларни ўзгартиришга ва ўз тизимига кўшишга муваффақ бўлса, интеграция жараёни унинг ҳаётлиги, динамиклиги ва ижодкорлигининг кўрсаткичига айланади. Ҳар қандай яхлит цивилизацияда ва, албатта, Исломда барча таркибий унсурлар, хоҳ моддий, хоҳ таркибий ёки алоқадор бўлсин, битта олий тамойил билан боғланган. Ислом цивилизациясида бу олий тамойил *тавҳиддир*. Бу мусулмоннинг энг юқори ўлчов воситаси, бошқа динлар ва цивилизациялар билан, янги фактлар ёки вазиятлар билан тўқнашувда унинг қўлланмаси ва мезонидир. Унга мос келадиган нарса қабул қилинади ва бирлаштирилади. Унга номувофиқ бўладиган нарса эса рад этилади ва танбех берилади.

Тавҳид ёки Худонинг мутлақ бирлиги, трансцендентлиги ва улуғворлиги ҳақидаги таълимот фақат У ибодат ва хизматга лойиқ эканлигини англатади. Итоатли одам ўз ҳаётини ушбу тамойилга мувофиқлаштириб яшайди. У барча хатти-ҳаракатларини намунага мослаштириш учун, илоҳий мақсадни амалга ошириш учун интилади. Шунга кўра, унинг ҳаёти унинг ақли ва иродасининг бирлигини, хизматининг ноёб мақсадини намойиш қилиши керак. Унинг ҳаёти тартибсиз ҳолда тўпланган бир қатор воқеалар бўлмайди, балки уларни бир бутунга бирлаштирадиган ягона доирага тааллуқли ягона кенг қамровли тамойил билан боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, унинг ҳаёти ягона услубга, яхлит шаклга, қисқасини айтганда, Исломга эгадир.



Қуръони Карим

РАЦИОНАЛИЗМ. (ҳаётга ақл кўзи билан қараш) Рационализм услубий тамойил сифатида Ислом цивилизациясининг моҳиятини тузади. У учта қоида ёки қонундан иборат. Биринчидан, ҳақиқийликка мос келмайдиган ҳамма нарсани рад қилиш. Иккинчидан, қатъий зиддиятларни инкор этиш. Учинчидан, янги ва/ёки қарама-қарши далилларга очиклик.

Биринчи қоида мусулмонни фикрдан, яъни билимни ҳар қандай текширилмаган, тасдиқланмаган даъво қилишдан ҳимоя қиладди. Қуръонда айтилганидек, тасдиқланма-




ган даъво занн ёки чалкаштирадиган билимга мисолдир ва бу, унинг объекти қанчалик аҳамиятсиз бўлмасин, Худо томонидан тақиқланган.¹²

Мусулмонни ҳақиқатдан бошқа ҳеч нарсани даъво қилмайдиган шахс сифатида таърифлаш мумкин.

Иккинчи қоида уни бир томондан оддий қарама-қаршиликдан, бошқа томондан парадоксдан ҳимоя қилмоқда.¹³ Рационализм ақлнинг ваҳийдан устунлигини эмас, балки улар ўртасидаги ҳар қандай якуний зиддиятни рад этишни англатади.¹⁴ Рационализм қарама-қарши тезисларни қайта-қайта ўрганиб чиқади. Бу эсдан чиқариб юборилган ва агар эътиборга олинса, зид муносабатни очиб берадиган жиҳат бўлиши кераклигини кўрсатади. Худди шундай, рационализм ваҳийнинг ўзини эмас, балки ваҳий ўқувчисини бошқа ўқишга олиб боради, токи тушунарсиз ёки ноаниқ маъно ундан четда қолмайди. Ушбу маъно, агар қайта кўриб чиқилса, ошкора зиддиятни йўқ қилар эди. Ақл ёки тушунишга бундай йўлланма ваҳийнинг ўзини эмас, балки инсоннинг талқин қилиниши ёки уни мусулмон томонидан тушунилиши уйғунлашишига олиб келар эди. Ваҳий эса инсон томонидан ҳар қандай манипуляциядан устун бўлмоқда! Бу унинг ваҳий ҳақидаги тушунчасини ақл билан топилган жами далилларга мувофиқлаштиради. Қарама-қарши ёки парадоксал нарсани мутлақо ҳақиқий деб қабул қилиш фақат калтафаҳм одамларни жалб қилади. Идрокли мусулмон рационалистдир, чунки у ҳақиқатнинг икки манбаи, чунончи ваҳий ва ақлнинг бирлигини қаттиқ туриб маъқуллайди.

Учинчи қоида, янги ёки қарама-қарши далилларга очиқлик, мусулмонни ҳарфхўрлик, мутаассиблик ва турғунликка сабаб бўладиган консерватизмдан ҳимоя қилади. Бу уни ақлий камтарлик ва ювошликка унатади. Бу унинг даъволарига ва рад этишларига “Аллоҳу аълам” (*Аллоҳ билгувчи роқ!*) иборасини кўшишга мажбур қилади. Чунки у ҳақиқат тўлиқ ўзлаштира оладиганидан кўпроқ эканлигига аминдир.



Миллодан аввалги биринчи минг йиллик: Идеализмсиз қудрат ва галаён.

Миллодан аввалги биринчи минг йилликда Араб жанг майдони бешта жаҳон империялари: Осурия, Иккинчи Бобил, Форс, Қадимги Юнон ва Римнинг кўтарилиши ва қулашига гувоҳ бўлган. Минтақадаги ўн икки давлатнинг ҳеч бирида бурч ҳисси йўқ эди.

Аллоҳнинг мутлақ бирлигининг тасдиғи каби *тавҳид* ҳақиқатнинг бирлигининг тасдиғидир. Чунки Исломда Худо ҳақдир. Унинг бирлиги ҳақиқат манбаларининг бирлигидир. Худо табиатнинг Яратувчисидир, инсон ўз билимини у ердан олади. Билим объекти Худо томонидан яратилган табиат қонунларидир. Шубҳасиз, Худо уларни билади, чунки у уларнинг муаллифи ва у ҳам ваҳий манбаи эканлиги аниқ. У инсонга ўз илмларининг бир қисмини беради, шунингдек, Унинг билимлари мутлақ ва ҳартомонламадир. Худо алдамчи эмас, мақсади чалкаштириш ва йўлдан оздириш бўлган ёмон ниятдаги таъсир этувчи куч эмас. У, шунингдек, одамлар ўз билимларини, иродаларини ёки қарорларини тузатганларида қилганидек, Ўзининг ҳукмини ўзгартирмайди. Аллоҳ комил ва ҳар бир нарса ни билувчи зотдир. У хато қилмайди. Акс ҳолда, у Исломнинг трансцендент Худоси бўлмас эди.

БАҒРИКЕНГЛИК. Услубий тамойил сифатида бағрикенглик бу ҳозирги замонни унинг сохталиги аниқланмагунча қабул қилишдир. Демак, бу эпистемология билан боғлиқ. Бу истакни унинг исталмаганлиги аниқланмагунча қабул қилиш тамойили сифатида ахлоққа тенг даражада тегишлидир¹⁵. Биринчиси саъаҳ (*sa'ah*), иккинчиси юср (*yusr*) деб аталади. Иккаласи ҳам мусулмонни дунёдан ўзини-ўзи ёпишдан ва зарарли консерватизмдан ҳимоя қилади. Иккаласи ҳам уни мустаҳкам ўрнашга ва ҳаётга, янги тажрибага “ҳа” дейишга ундайди. Иккаласи ҳам уни янги маълумотларга синчков ақл билан, ижодкор интилиш билан мурожаат қилишга ва шу билан ўз тажрибаси ва ҳаётини бойитишга, маданияти ва цивилизациясини олдинга суришга ундайди.

Ислом цивилизацияси асосидаги услубий тамойил сифатида бағрикенглик – бу Худо одамларни Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқлигини, улар Унга ибодат қилиш ва хизмат қилиш мажбуриятини ўргатиш¹⁶, шунингдек, уларни ёвузликдан ва унинг сабабларидан огоҳлантириш¹⁷ учун уларга улар ичидан пайғамбар юбормасдан туриб ташлаб кетмаганлигига ишончдир. Бу бора-

да бағрикенглик – барча инсонларга ҳақиқий динни билишга, Аллоҳнинг иродаси ва амрларини тан олишга имкон берадиган соғлом фикр берилганига ишончдир. Бағрикенглик – бу динларнинг хилма-хиллиги тарихга барча таъсир этувчи омиллар, макон ва замоннинг турли-туман шароитлари, хурофотлари, эҳтирослари ва худбин манфаатлари билан боғлиқ эканлигига ишонганлик. Диний хилма-хиллик ортида *ад-дин ал-ҳаниф* туради. Бу Аллоҳнинг азалий дини бўлиб, барча одамлар маданиятни ўзлаштириш уларни у ёки бу диннинг тарафдори қилишдан олдин у билан туғилади. Бағрикенглик мусулмондан ҳар бирида Худонинг асл инъомини кашф этиш учун динлар тарихини ўрганишни талаб қилади. Зероки, У буни ўргатиш учун ҳамма элчиларини барча жойларга ва замонларга юборган.¹⁸

Динда ва инсон муносабатларида муҳимроқ нарса бўлиши қийин; бағрикенглик – динлар ўртасидаги қарама-қаршилик ва ўзаро қоралашни тарихий қатламларни асл ваҳийдан ажратиш мақсадида динларнинг келиб чиқиши ва ривожланишини



Маккадаги Каъба

биргаликда илмий ўрганишга айлантиради. Кейинги энг муҳим соҳа бўлган ахлоқшуносликда юср мусулмонни ҳаётни инкор этувчи ҳар қандай майллар юкмайдиган қилади ва инсон ҳаётига тушадиган барча фожиалар ва қийинчиликларга қармай, унга соғлиқни, мувозанатни ва ўлчов ҳиссини сақлаш учун зарур бўлган энг кам некбинлик даражасини тақдим этади. Аллоҳ Таоло Ўз яратганларини “албатта, бир қийинчилик билан осончилик [юср] бордир”, деб ишонтирган.¹⁹ Ва У уларга ҳар бир баёнотни текширишни ва ҳукм қилишдан олдин²⁰ ишонч ҳосил қилишни буюрганлиги сабабли, усулийюн (ҳуқуқшунослик докторлари) яхшиликни ва ёмонликни, шунингдек, аниқ илоҳий амрга зид бўлмаган исталган нарсаларни ҳукм қилишдан олдин тажрибаларга таянишган.

Сабаҳ ҳам, юср ҳам тўғридан-тўғри ахлоқ метафизикаси тамойили сифатида *тавҳиддан* ўтади. Худо инсонни яратиб, у ўзини амалда муносиб исботлаши учун уни эркин, шунингдек, ижобий фаолият ва дунёда тасдиқ ҳаракатларга қодир қилган. Исломга мувофиқ бу ҳақиқатан ҳам инсон мавжудлигининг маъносидир.²¹


Мазмундор ўлчов

ТАВҲИД МЕТАФИЗИКАНИНГ БИРИНЧИ ТАМОЙИЛИ СИФАТИДА

Аллоҳдан бошқа Илоҳ йўқлигига гувоҳлик бериш, ёлғиз Ўзи ҳамма нарсанинг борлигини берган, ҳар бир воқеанинг бирламчи ва асосий Сабабчиси ва ҳар бир нарсанинг Оқибати бўлган Яратгувчидир, Унинг Биринчи ва Охирги эканлигига ишониш демакдир. Бундай гувоҳликка эркин ва ишонч билан қўшилиш, унинг мазмунини онгли равишда тушуниш бизни ўраб турган ҳамма нарса, хоҳ нарсалар ёки ҳодисалар бўлсин, шунингдек, табиий, ижтимоий ёки ақлий соҳаларда содир бўладиган барча нарсалар Худонинг ҳаракати эканлигини ҳамда Унинг у ёки бу мақсадини бажариш эканлигини англаш демакдир. Бундай хабардорликка эришилгандан сўнг, у одамнинг барча бедор-

лик пайтларида ундан ажралмас, иккинчи табиатига айланади. Кейин киши ҳаётининг барча лаҳзалари унинг сояси остида ўтади. Инсон ҳар қандай объект-ҳодисада ва ҳолатда Худонинг амрини ва ҳаракатларини тан оладиган жойда илоҳий ташаббусга эргашади, чунки у Аллоҳга тегишли. Буни табиатда кузатиш табиатшунослик билан шуғулланишни англатади.²² Негаки табиатдаги илоҳий ташаббус Худо табиатга ато этган ўзгармас қонунлардир.²³ Ўз жамиятида, хусусан, ўзида илоҳий ташаббусни кузатиш гуманитар ва ижтимоий фанлар билан шуғулланиш демак.²⁴ Агар бутун коинот ҳақиқатан ҳам Худонинг амрлари ва иродаси бўлган ушбу табиат қонунларининг фош этилиши ёки бажарилиши бўлса, мусулмон назарида коинот Аллоҳнинг буйруғи билан ҳаракатга келтирилган жонли театр дир. Театрнинг ўзи ва у ўз ичига олган барча нарсаларни ушбу шароитларда тушунтириш мумкин. Шу йўсинда, Худонинг бирлиги У ҳамма нарсанинг Сабаби эканлигини англатади ва шундай бўлган бошқа ҳеч ким йўқ.

Шароитга қараб *тавҳид* бу – абадий ташаббуси табиатнинг ўзгармас қонунлари бўлган Худодан ташқари табиатда ишлайдиган ҳар қандай кучни йўқ қилишни англатади. Аммо бу табиатдаги ҳар қандай ташаббусни табиатда туғма бўлган кучдан бошқа ҳар қандай куч томонидан рад этишга тенгдир. Масалан, сеҳр, жодугарлик, руҳлар ва табиат жараёнларига бирон бир куч томонидан ўзбошимчалик билан аралашиб ҳақидаги ҳар қандай сеҳрли тушунча. Бинобарин, *тавҳид* табиат соҳаларини, уларнинг секуляризациясини оёқости қилиш демак. Бу эса табиатшуносликнинг биринчи шартидир. Шундай қилиб, *тавҳид* орқали табиат ибтидоий дин худолари ва руҳларидан ажралган. *Тавҳид* биринчи марта диний-афсонавий онгнинг ўзидан ошиб кетишига йўл қўйган, шунингдек, табиат ва цивилизация ҳақида илмларининг табиат билан муқаддасликнинг ҳар қандай алоқасини бир марта ва бутунлай рад этган диний дунёқарашнинг ижозати билан ривожланишига имкониятини берган. *Тавҳид* – табиатшунослик ва цивилизациянинг душманлари бўлган хурофотлар ёки афсоналарнинг тескарисидир.



Искандар Мақдунийнинг юришлари

Зеро, тавҳид барча сабабият ипларини тўплайди ва уларни яширин кучларга эмас, балки Худога қайтаради. Шу билан бирга, ҳар қандай ҳодиса ёки нарсада ҳаракат қилувчи сабабият кучи узлуксиз ипни ҳосил қиладиган тарзда ташкил этилган бўлиб, унинг қисмлари сабабий, бас тажриба йўли билан бир-бири билан боғлиқдир. Ип охир-оқибат Худога тааллуқли бўлиши, унинг сабаб кучи ёки самарадорлигини амалга оширишга ҳеч қандай ташқи куч ҳалақит бермаслигини талаб қилади. Бу, ўз навбатида, қисмлар орасидаги боғланишларнинг сабабиятини назарда тутати ва уларни тажрибага асосланган ўрганиш ва ўрнатишга дучор қилади. Табиат қонунлари Худонинг мисли йўқ намуналари эканлиги, Худо табиатнинг ипларини сабаблар орқали бошқаришини англатади. Фақат ҳар доим бир хил бўлган бошқа сабаб ёрдамида сабабият намунани ҳосил қилади. Айнан шу сабабиятнинг доимийлиги унинг ўрганишлари ҳамда кашфиётларига ва шунинг учун илм-фанга

хам имкон беради. Илм-фан табиатда бундай такрорланадиган сабабиятни излашдан бошқа нарса эмас, чунки сабаб ипини ташкил этувчи сабаб боғланишлар бошқа ипларда ҳам такрорланади. Уларнинг ўрнатилиши табиат қонунларини ўрнатишдир. Бу табиатнинг сабаб кучларини назорат ва муҳандисликка бўйсундириш учун дастлабки шарт, яъни инсоннинг табиатдан фойдаланиш ҳуқуқига зарур шартдир.

ТАВҲИД АХЛОҚНИНГ БИРИНЧИ ТАМОЙИЛИ СИФАТИДА

Тавҳид ягона Худо инсонни Унга ибодат қилиш ва Унга хизмат қилиш мақсадида энг яхши шаклда яратганлигини тасдиқлайди.²⁵ Бу шуни англатадики, ер юзидаги кишининг бутун мавжудлиги Худога итоат этиш, Унинг буйруғини бажариш мақсадига эга. *Тавҳид*, шунингдек, бу мақсад одам учун Худонинг ер юзидаги халифаси бўлишини тасдиқламоқда.²⁶ Зероки, Қуръонга кўра, Аллоҳ Таоло инсонга Ўз омонатини, осмону ер кўтара олмайдиган ва улар кўрқувдан қочадиган омонатини инъом берган.²⁷ Илоҳий омонат бу илоҳий ироданинг ахлоқий қисмини амалга оширишдир. Унинг табиати ушбу илоҳий омонатни эркин бажаришни тақозо қилади. Инсон эса бунга қодир ягона зотдир. Илоҳий ирода табиий қонун зарурати билан қаерда амалга оширилмасин, амалга ошириш ахлоқий эмас, балки ўз-ўзидан ёки утилитар хусусиятга эга. Буни қилиш ёки умуман қилмаслик, ёки бунинг аксини қила олиш, ёки ораликдаги бирор нарса қила олиш мумкин бўлган шароитда фақатгина одам бу ишни қилишга қодир. Айнан Аллоҳнинг амрига бўйсунуш муносабатда инсон эркинлигининг намоён бўлиши амрни бажаришини ахлоқий қилади.

Тавҳид шуни тасдиқлайдики, Аллоҳ баракали ва мақсадга йўналтирилган бўлгани сабабли инсонни ҳазил учун ёки беҳудага яратмаган. Худо инсонга ҳис-туйғуларни, ақл-идрокни ва тушунишни ато этган, уни мукамал яратган, бундан ташқари, уни бу буюк бурчни бажаришга тайёрлаш учун Ўз руҳидан пуфлаган.²⁸

Бундай улуғ бурч одамнинг яратилишига сабабдир. Бу киши мавжудлигининг якуний мақсади, инсоннинг таърифи, унинг ҳаёти маъноси ва ердаги борлигининг мазмунидир. Бунинг натижасида инсон улкан аҳамиятга эга бўлган барчасини қамраб олувчи функцияни ўз зиммасига олади. Инсон ахлоқий интилишларининг мавзуси бўлган илоҳий ироданинг юқори қисмисиз коинотнинг ўзи бўлмас эди. Коинотдаги бошқа ҳеч бир мавжудот бу вазифада одамнинг ўрнини боса олмайди. Инсон ахлоқий ва шунинг учун илоҳий ироданинг энг юқори қисми макон-замон оламига кириб, тарихга айланиши мумкин бўлган ягона космик кўприқдир.

Фақатгина кишига юкланган масъулият ёки мажбурият (*таклиф*) чегара билмайди. У бутун коинотни қамраб олади. Бутун одамзот инсоннинг ахлоқий ҳаракатининг мавзуси бўлиб, бутун ер ва осмон унинг ҳаракатлар майдони, унинг моддий қисми ва воситаларидир. У коинотда, унинг энг олис бурчакларида содир бўлаётган барча нарсалар учун жавобгардир. Чунки кишининг *таклифи* ёки мажбурияти умумбашарий ва космик. У фақатгина Қиёмат Кунида тугаб қолади.

Ислом *таклиф* инсониятнинг асоси, унинг маъноси ва мазмуни, деб таъкидлайди. Одамнинг бу оғир юкни қабул қилиши уни яратилишнинг қолган қисмига, айниқса фаришталарга қараганда юқори даражага кўтаради. Негаки фақат у масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир. Бу унинг космик аҳамиятини ташкил этади. Исломнинг бу инсонпарварлигини бошқа инсонпарварликлардан бутун бир фарқлар дунёси ажратиб турмоқда. Масалан, Юнон цивилизацияси Ғарб Уйғониш давридан бери намуна сифатида қабул қилган кучли инсонпарварликни ривожлантирган. Юнон инсонпарварлиги, бўрттирилган табиатшуносликка асосланиб, инсон ва унинг иллатларини илоҳийлаштирган. Шунинг учун Юнон ўз худоларини зинокорлик, ўғирлик, инцест, тажовуз, рашк, қасос ва бошқа шафқатсизлик билан бир-бирига қарши алдамчи ва фитначилар сифатида ифодалаб, хафа бўлмаган. Кишилиқ ҳаётини ташкил этувчи модданинг бир қисми бўлган бундай ҳаракатлар ва эҳтирослар

мукамаллик ва фазилатлар каби табиий деб ҳисобланган. Табиат сифатида иккаласи ҳам бир хил даражада илоҳий, эстетик шаклида тафаккурга муносиб, сиғинишга лойиқ ва апофеози худолар бўлган инсон томонидан тақлид қилишга сазовор деб ҳисобланган. Бошқа томондан, насронийлик ўзининг шаклланиш йилларида ушбу Юнон-Рим инсонпарварлигига муносабат билдирган. У қарама-қарши ҳолатга тушиб, одамни “асл гуноҳ” билан камситган ва уни “бузуқ жонзот”, “*massa peccata*”²⁹ деб эълон қилган.

Агар Осмондаги Худо мужассамланиши, азобланиши ва инсон гуноҳларини ювиш номига ўлиши керак бўлганда, кишини ундан ҳеч ким ўз кучи билан қутула олмайдиган мутлак, умуминсоний, туғма ва зарурий гуноҳ ҳолати даражасига тушириш мантикий дастлабки шарт эди. Бошқача қилиб айтганда, агар қутулиш Худодан бўлса, унда шунчалик мутлак қийин аҳвол бўлиши керакки, фақатгина Худо одамни ундан чиқариб олиши мумкин. Шу тарзда, инсоннинг гуноҳкорлиги уни Худонинг чормихга тортишига “муносиб” қилиш учун мутлакка кўтарилган. Ҳиндуйлик инсониятни касталарга ажратди ва аксарият одамларни энг қуйи табақаларга, агар улар Ҳиндистоннинг маҳаллий аҳоли бўлса “тегиб бўлмайдиганларга” ёки диний нопок ёки дунёнинг қолган қисмида ифлосланган “малитчаларга” тайинлаган.

Бу ҳаётда ҳам қуйи, ҳам қолган табақалар учун браҳманларнинг энг юқори, имтиёзли кастасига кўтарилиш имконияти йўқ. Бундай ҳаракатчанлик фақат руҳларни кўчириш орқали ўлимдан кейин мумкин. Бу ҳаётда киши, албатта, у туғилган кастага тегишлидир.



Кузгули-симметрик дизайндаги басмала [Л. Ал-Форуқий сурати]

Ахлоқий интилиш, у бу дунёда тирик экан, унинг мавзуси учун ҳеч қандай маънога эга эмас. Ниҳоят, Буддизм яратилишдаги барча кишилиқ ва бошқа ҳаётни чексиз азоб-уқубат ва бахтсизлик деб билган. Унга мувофиқ, мавжудликнинг ўзи ёвузликдир ва инсоннинг ягона муҳим вазифаси интизом ва ақлий зўр бериш орқали ундан озод бўлишни излашдир.

Тавҳиднинг инсонпарварлигини ҳақиқийдир. Фақат у инсонни илоҳийлаштирмасдан ва бадном қилмасдан одам ва ижод сифатида ҳурмат қилади. Фақатгина у инсоннинг қадр-қимматини фазилатлари жиҳатидан белгилайди ва унга бўлган баҳосини Худо барча одамларга ўзларининг олижаноб вазифаларига тайёргарлик кўриш учун берган туғма инъомини ижобий белги билан бошлайди. Фақат у инсон ҳаётининг фазилатлари ва идеалларини табиий ҳаётнинг мазмуни нуқтаи назаридан белгилаб, уларни инкор этмайди. Бу эса, ўз навбатида, унинг инсонпарварлигини ҳаётни тасдиқловчи ва ахлоқий қилмоқда.


ТАВҲИД АКСИОЛОГИЯНИНГ БИРИНЧИ ТАМОЙИЛИ СИФАТИДА

Тавҳиднинг таъкидлашича, Худо инсониятни одамлар ўзларининг ахлоқий қадр-қимматини ўз амаллари билан исботлашлари учун яратган.³⁰ Олий ва якуний Ҳакам сифатида У одамзотнинг барча ҳаракатлари ҳисобга олиниши,³¹ уларнинг муаллифлари яхшиликлари учун мукофотланиши ва ёмонликлари учун жазоланиши ҳақида огоҳлантирган.³² Бундан ташқари, *тавҳидга* кўра, Аллоҳ кишини ер юзига у ерни ишғол қилиши учун,³³ яъни унинг йўлларида юриши, меваларини тотиб кўриши, унинг яхшилиги ва гўзаллигидан баҳраманд бўлиши, шунингдек, унинг ва ўзининг равнақиға ҳисса қўшиши учун жойлаштирган.³⁴ Бу дунёни соф ва ёқимли бўлгани учун қабул қилиш, чунки у Худо томонидан яратилган ва У томонидан инсон фойдаланиши учун ташкил қилинган, деган бир дунёқарашдир. Дарҳақиқат, дунёдаги ҳамма нарса, шу жумладан, куёш ва ой ҳам инсонга кўмаклашувчидир. Бутун яратилиш бу инсон ўзининг ахлоқий фаолиятини амалга ошириши ва шу

билан илоҳий ироданинг энг юқори қисмини ўзида мужассам этиши керак бўлган ҳаракат майдони. Киши ўзининг инстинктлари ва эҳтиёжларини қондириш учун жавобгардир ва ҳар бир шахс барча одамлар учун бир хил қониқиш учун масъулдир. Инсон барча табиий истеъдодларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида барча одамларнинг кишилиқ ресурсларини иложи борича максимал даражада ривожлантиришга мажбур. У бутун ерни унумдор ва жуда чиройли боғларга айлантириши шарт. Ушбу жараёнда, агар керак бўлса, у кувёш ва ойни ўрганиши мумкин.³⁵ Албатта, у табиатнинг, инсон руҳининг ва жамиятнинг қонунларини кашф этиши ва ўрганиши зарур. Албатта, у дунёни охир-оқибат Худонинг каломи ҳукмронлик қиладиган боққа айланишини истаса, оламни саннатлаштириши ва ривожлантириши керак.

Бундай дунёқараш цивилизация учун чинакам ижодийдир. У цивилизацияларни ташкил этувчи унсурларни, шунингдек, унинг ўсиши ва тараққиёти учун зарур бўлган ижтимоий кучларни яратади. *Тавҳид* роҳибликка, яққаланиб қолишга, дунёни инкор қилишга ва зоҳидликка қаршидир.³⁶ Бошқа томондан, дунёқараш дунёни ва табиатни улар қандай бўлсалар, шундай сўзсиз қабул қилишни англатмайди. Инсоннинг амалга оширилишини текширадиган тамойилсиз, дунё ва табиатнинг қараши қолганларни истисно қилиб, ҳар қандай қиймат, унсур, куч ёки уларнинг гуруҳига бўлган ҳаддан ташқари интилиш туйғули ўзига қарши бориши мумкин. Бу одамнинг ҳар қандай шошқалоқлиги, иштиёқи, ғайрати ёки кўрлигида эмас, балки уларга тегишли бўлган устуворликлар тизимида мувофиқ барча кадриятларни уйғун равишда амалга оширишга олиб келадиган кишилиқ интилишларини мувозанатлаш ва тарбиялаш зарур дастлабки шартдир. Бу ҳолда, интилиш фожиа ёки асосизлик билан тугаши ёки ҳақиқатан ҳам қандайдир шайтоний кучини бўшатиб олиши мумкин. Масалан, Юнон цивилизацияси ўзининг тинчликка интилишини бўрттириб кўрсатган. Унинг таъкидлашича, табиатда мавжуд бўлган ҳамма нарса, сўзсиз, яхшидир ва шунинг учун интилишга ва бажаришга лойиқдир.

Демак, истакнинг ўзи табиий равишда яхши эканлиги асосида, у чинакам орзу қилинган ҳамма нарса ҳақиқий қизиқиш мавзуси эканлигини ва ўз-ўзидан яхши эканлигини таъкидлаган. Табиат кўпинча ўзига қаршилик кўрсатиши, табиатнинг бундай истакларига ёки унсурларига интилиш бир-бирига зид бўлиши мумкинлиги, биринчи тахминни қайта кўриб чиқишни кафолатлаш учун етарли асосга эга эмас эди. Табиатнинг барча майллари ва истакларини қамраб оладиган, шунингдек, уларнинг қарама-қаршиликлари ва фарқларини тушуниш мумкин бўлган ғайритабиий тамойилга эҳтиёж борлигини тан олиш керак.



Искандар Мақдуний Империяси

Лекин бу ҳақиқатни англаш ўрнига, Юнон цивилизацияси табиатнинг гўзаллигидан гангиб қолиб, натурализмнинг фожиали натижасини табиий деб ҳисоблаган. Уйғониш давридан бошлаб замонавий Ғарб цивилизацияси фожиага жиддий эътибор қаратмоқда. Унинг натурализмга бўлган ғайрати уни ахлоқ-

сиз табиатни ғайритабиий ҳолат сифатида қабул қилиш чегарасига олиб келган. Ғарб одамнинг кураши черковга ва унинг вакили бўлган барча нарсаларга қарши олиб борилганлиги сабабли, инсоннинг илм-фандаги тараққиёти унинг исканжасидан халос бўлиш сифатида қасдга тушган. Шундай экан, априор (тажрибадан олдин бўлган), ноуменал (англаб бўлмайдиган), мутлақ манбадан чўзилган



Хаттотлик дизайни (Аллоҳнинг саккизта такрори). [Л. ал-Форуқийнинг сурати].

меъёрий иплар билан боғланган дунёқараш ёки натурализмни тасаввур қилиш жуда қийин эди. Бундай ипларсиз натурализм муқаррар равишда ўзи билан ички зиддиятга, гипотезага кўра, ҳал қилиб бўлмайдиган ички низоларга маҳкум бўлади. Олимп жамоаси ўзи билан уйғунликда яшай олмас эди ва ўзини йўқ қилишга мажбур бўлган. Унинг дунёқарашини беҳуда эди.

Мувоzanатли, доимий, ўз-ўзини тиклайдиган цивилизацияни яратишни таъминлайдиган дунёқарашнинг кафолати ахлоқдир. Аслида, ҳақиқий цивилизация бу априор ёки ғайритабиий ахлоқ билан интизомланган, ички мазмуни ёки қадриятлари ҳаётга ва дунёга, замонга ва тарихга, ақлга душман бўлмаган дунёқарашдан бошқа нарса эмас. Инсонга маълум бўлган мафкуралар орасида бундай ахлоқни фақат *тавҳид* таъминлайди.

ТАВҲИД СОЦИЕТИЗМНИНГ БИРИНЧИ ТАМОЙИЛИ СИФАТИДА

Тавҳиднинг таъкидлашича, “сизнинг ушбу *умматингиз* бир *умматдир* ва Аллоҳ сизнинг Роббингиздир. Бас, Унгагина ибодат қилинг”.³⁷ *Тавҳид* дегани, мўминлар чиндан ҳам унинг аъзолари Аллоҳ ҳақи учун бир-бирларини севадиган ягона биродарликдир. Улар бир-бирларига адолатли амаллар қилишни

ва сабр-тоқатли бўлишни маслаҳат берадиганлардир.³⁸ Уларнинг барчаси, истисносиз, Худонинг ипини маҳкам тутадилар ва бўлиниб кетмайдилар.³⁹ Улар эзгуликни буюрган ва ёвузликни тақиқлаган ҳолда бир-бирлари билан ҳисоблашадиганлардир.⁴⁰ Ниҳоят, булар Аллоҳга ва унинг Пайғамбарига итоат этгувчилардир.⁴¹

Умматнинг қарашини ҳам, туйғусини ёки иродасини ҳам, шунингдек, амал ҳам бирдир. *Уммат* бу ақл, юрак ва қўлнинг уч томонлама келишилганлигидан иборат одамларнинг тартиби. Уларнинг фикрида, қарорида, муносабатида ва феъл-атворида ва қўлида келишилганлик мавжуд. Бу на терининг рангини, на миллатига мансубликни биладиган ҳартомонлама биродарликдир. Унга кўра, барча одамлар бир хилдир ва уларни фақат тақводорлик билан ўлчаш мумкин.⁴² Агар унинг аъзоларидан бири янги билимларни эгалласа, буни бошқаларга ўргатиш унинг вазифасидир. Агар кимдир озиқ-овқат ёки қулайлик топса, уларни бошқалар билан баҳам кўриш унинг бурчидир. Агар кимдир мавқега, муваффақиятга ва фаровонликка эришса, унинг вазифаси бошқаларга ҳам бунга етишга ёрдам беришдир.⁴³

Демак, *умматсиз тавҳид* бўлмайди. *Уммат* илмнинг, ахлоқнинг, инсоннинг халифалиги (ўринбосарлиги) ва дунёқарашнинг ташувчисидир. *Уммат*, ҳатто мўмин бўлмаганларни ҳам қамраб олувчи умумбашарий тартибдир. Бу ишонч эркинлиги тамойилини қабул қиладиган ва ҳақиқатга ишончи комил бўлган барча одамлар ва гуруҳлар учун, шунингдек, ғоялар, моллар, бойлик ёки инсон таналари эркин ҳаракатланиши мумкин бўлган дунё тартибига интилаётганлар учун абадий очик бўлган Пакс Исламика (Исломиий дунё), дунёнинг тартибидир. Пакс Исламика бу Бирлашган Миллатлар ташкилотидан анча устун бўлган халқаро тартибидир, миллат давлати тамойиллари билан ва уни ташкил этувчи унсурлари бўлган “катта кучлар” ҳукмронлиги билан узилиб қолган ва бузилган ўтмиш фарзанди. Ушбу тамойиллар, ўз навбатида, “миллий мустақилликка” асосланади, чунки у Европанинг мафкуравий

тарихида Ислохотдан ва черков ҳозиргача бепарволик билан рия қилган ҳартомонлама жамият идеалининг ўлиmidан бери ривожланган. Аммо миллий мустақиллик охир-оқибат аксиологик (баҳосига оид бўлган) ва ахлоқий релятивизмга (нисбиятга) асосланмоқда.

Агар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз аъзолари ўрта-сидаги урушнинг олдини олиш ёки тугатишнинг салбий ролини бажарса, муваффақиятли бўлади. Бирок, шунга қарамай, бу Хавфсизлик Кенгашининг “катта куч” аъзолари уни вазиятига кўра тақдим этишга рози бўлган ҳолатлардан мустасно, у армияга эга эмаслиги туфайли кучсиз тартибдир. Бошқа томондан, Пакс Исламика Ҳижратнинг дастлабки кунларида Мадинада Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам томонидан доимий конституцияда мустаҳкамланган. У уларнинг ўзига хошлиги, диний, ижтимоий ва маданий институтларини кафолатлаб, Мадина яҳудийларини ва Нажрон насронийларини киритган. Тарих Исломи Давлат Конституцияси каби озчиликларни ҳурмат қиладиган бошқа ҳеч қандай ёзма конституцияни билмайди. Мадина Конституцияси ўн тўрт аср давомида турли Ислом давлатларида амалда бўлиб, хар хил турдаги диктаторлар ва инқилобларга, шу жумладан, Чингизхон ва Ҳулокуга қарши турган эди!

Шу йўсинда, *уммат* ижтимоий тартибига қўшимча тарзда дунё тартибидир. Бу Ислом цивилизациясининг асоси, унинг мажбурий шартидир. Файласуфлар Ҳайй ибн Яқзоннинг шаҳсида ва мартабасида инсон онгини тасаввур қилишда Ҳайй ўз саъй-ҳаракатлари билан Ислом ва *Тавҳид* ҳақиқатини, унинг моҳиятини кашф этишгача ўсганлигини кашф этдилар. Лекин бунини амалга оширгандан сўнг, Ҳайй *умматни* ихтиро қилиши ёки аниқлаши керак эди. Шундай экан, у ўзига ковак дарахт танасидан қайиқ ясаб, *умматни* кашф қилиш учун ўрганилмаган океанга жўнаган, чунки унинг барча билимлари *умматсиз* ҳақиқат билан мос бўлмас эди.

Хулоса қилиб айтганда, *тавҳид умматчиликдир*.



Салавкийлар Империяси

ТАВҲИД ЭСТЕТИКАНИНГ БИРИНЧИ ТАМОЙИЛИ СИФАТИДА

Тавҳид Илоҳнинг бутун табиат олаmidан чиқариши демакдир. Яратилишдаги ҳамма нарса ёки яратилишга тегишли бўлган ҳар қандай нарса яратилишдир, у трансцендент эмасдир, у макон ва замон қонунларига бўйсуниб демакдир. Буларнинг ҳеч бири ҳеч қандай маънода, Худо ёки илоҳий бўла олмайди, айниқса *тавҳид* яққахудолик моҳияти сифатида уни инкор этувчи онтологик маънода мумкин эмас. Худо яратилишдан бутунлай фарқ қилади, табиатдан тамоман бошқача ва шу сабабли трансцендентдир. У ягона трансцендент зотдир. *Тавҳид* яна шунини таъкидлайдики, унга ўхшаган ҳеч нарса йўқ,⁴⁴ бас яратганларда ҳеч нарса Худонинг ўхшашлиги ёки рамзи бўлиши мумкин эмас, уни ҳеч нарса ифода қила олмайди. Дарҳақиқат, аслини олганда У тасаввурдан ташқаридадир. Худо шундай зотки, Уни ҳеч қандай эстетик идрок қилиш мумкин эмас.

Эстетик тажриба деганда, кўриб чиқилаётган объектнинг меъерий тамойили сифатида ишлайдиган априор метатабий моҳиятнинг ҳис қилиш орқали тажриба тушунилади. Бу айнан

объект бўлиши керак бўлган нарсадир. Кўринадиган объект ушбу моҳиятга қанчалик яқин бўлса, у шунчалик чиройли бўлади. Жонли табиат, ўсимликлар, ҳайвонлар ва айниқса одамлар учун гўзал бу априор моҳиятига иложи борича яқинроқ келадиган нарсадир. Шундай қилиб, ҳукм қилишга қодир бўлган ҳар бир киши табиат ўзини эстетик объектда чечанлик билан ва аниқ ифода этилганлигини таъкидлаб, шунингдек, гўзал объект бу табиат айтмоқчи бўлган нарса бўлиб, унинг минг бир камчилик орасида камдан-кам учрайди, деб фикрлаши тўғри бўлар эди.

Санъат бу табиатдаги ушбу метатабiiй моҳиятни кашф қилиш ва уни кўринадиган шаклда тақдим этиш жараёнидир. Чамаси, санъат яратилган табиатга тақлид ҳам эмас, *natura naturata*, яъни “табиати” ёки табиий воқелиги тўлиқ бўлган нарсаларнинг ҳиссий тасвири ҳам эмас. Фотосурат тасвирлаш ва ҳужжатлаштириш учун ёки ўзига хосликни ўрнатиш учун қимматли бўлиши мумкин. У санъат асари сифатида бефойдадир. Санъат бу табиатдаги табиий бўлмаган моҳиятни ўқиш ва бу моҳиятга ўзига хос кўринадиган шаклни беришдир.

Бугунги кунда аниқланганидек ва таҳлил қилинганидек, санъат, албатта, унда мавжуд бўлмаган нарсаларни табиатда топиш тахминидир. Аммо табиатдан бўлмаган нарса трансцендентдир ва фақатгина илоҳий бўлган нарса бу ҳолатга мос келади. Бундан ташқари, эстетик қадрлаш объекти бўлган априор моҳияти меъёрий ва чиройли бўлганлиги сабабли, бу, айниқса, инсоннинг ҳиссиётларига таъсир қилади. Шунинг учун одамлар гўзалликни яхши кўрадилар ва у билан белгиландилар. Улар инсон табиатидаги гўзал-



Малайзиянинг Куала-Лумпур марказидаги Ас-Сиакирин масжидининг нафис ибодат зали.

ликни кўрган жойда априор метатабий моҳият трансцендент даражагача идеаллаштирилган одамгарчиликдир.



Птолемейлар давлати

Айнан шуни юнонлар *апофеоз* ёки инсоннинг илоҳийликка айланиши деб аташган. Хусусан, кишилар бундай ўзгартирилган одамларни сидқидилдан яхши кўришга ва уларни худолар деб ҳисоблашга мойил. Метафизикага келсак, замонавий Ғарб одами ҳар қандай худога жуда тоқат қилмайдилар. Аммо ахлоқ ва хулқ-атворга келсак, у инсоний эҳтирослари ва майлларини ўз идеаллаштиришидан яратган “худолар” унинг ҳаракатларининг ҳақиқий белгиловчилари ҳисобланади.

Бу нима сабабдан қадимги юнонлар орасида худоларни одамий унсурлар, фазилатлар ёки эҳтиросларнинг апофеозлари сифатида тасвирлаш санъати ҳайкалтарошликда бўлгани каби визуал тарзда, шунингдек, шеърят ва драмада бўлгани каби ифодали асосий эстетик машғулот бўлганлигини тушунтира-

ди. Улар тасаввур қилган объектлар, яъни худолар чиройли эди, чунки улар инсон табиати қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги идеаллаштириш эди. Уларнинг гўзаллиги ҳар бирининг бошқа худолар билан туғма тўқнашувини яширмаган, чунки уларнинг ҳар бири ўзининг илоҳий, ғайритабиий даражасига мутлақлаштирилган табиатнинг ҳақиқий объекти бўлган.

Юнон ҳайкалтарошлигининг энг юқори санъати фақат Римда, юнон декадентлиги театрида турли императорларнинг реалистик, эмпирик портретларига айниб қолган. Лекин у ерда ҳам императорни илоҳийлаштирамаслик имкони йўқ эди. Назария асрлар давомида софлигича қолган Юнонистонда драматик санъат ҳайкалтарошлик билан бирга худоларнинг бир-бирлари билан бўлган абадий тўқнашувларини қахрамонлар иштирок этган бир қатор воқеаларни очиш орқали тасвирлаш учун айнан ривожланган. Умумий мақсад, томошабинлар билганидек, улар инсонни, катта завқ манбаи бўлган шахсий қахрамонларини тақдим этиш эди. Уларнинг кўз олдида содир бўлаётган драматик воқеалар фожиали якун топган тақдирда, бу зарур ва туғма деб ҳисобланган.

Аҳмадия масжиди, Истанбул, Туркия.



Унинг зарурати унинг найзасини олиб ташлаган ва поклаш орқали уларнинг ахлоқсиз даъволари ва интилишлари туфайли хис қилган айбини йўқотишга ёрдам берган.

Шу боис Юнонистонда пайдо бўлган ва камолотга етказилган фожиавий санъат барча гуманитар фанлар қатори адабий санъатнинг ҳам чўққиси бўлган. Шарқшунос Г. Э. фон Грюнебаум камёб ҳақиқат баёностида Исломда тасвирий санъат (хайкалтарошлик, расм ва драма) йўқлигини, чунки у табиатда мужассам бўлган ёки табиатга хос бўлган ҳар қандай худолардан, ҳаракатлари бир-бирига ёки ёвузликка зид бўлган худолардан холи, деб айтган.⁴⁵ Гарчи аслида бу Исломнинг асосий ажралиб турадиган хусусияти бўлса ҳам, Фон Грюнебаум бунини Исломга танбеҳ сифатида кўзда тутган. Исломнинг бетакрор улуғворлиги шундаки, у бутпарастликдан ва яратганни Яратувчига адаштиришдан мутлақо холидир. Бироқ, бу баёнот ҳақиқат бўлиб қолади, чунки у тасвирий санъат, қадимги бутпараст динлар ва Ғарбнинг мужассамланиш илоҳиёти ўртасидаги яқин алоқани кўрсатмоқда.

Яхудийлар илгари Худонинг трансцендентлиги ҳар қандай “бутлар” яратилишига тўсқинлик қилади, деб таъкидлаганлар, шунингдек, бу илоҳий амрга бўйсуниб, ўзларини ҳар қандай тасвирий санъатдан деярли тўлиқ воз кечиш бутун бир тарихига бағишлаган.⁴⁶ Улар фақат Миср, Юнонистон, Рим ва христиан олами таъсирида бир қанча кичкина асарлар яратганлар. Ҳозирги кунда, айниқса Наполеон даврида уларни эркинликка чиқаришидан ва Ғарб маданиятига сингиб кетганларидан сўнг, улар ўзларининг асл сомиёи нуқтаи назаридан воз кечиб, Ғарб табиатшунослиги фойдасига йўл олишди.

Тавҳид бадиий ижодга ҳам, гўзаллик билан завқланишга ҳам қарши эмас. Аксинча, *тавҳид* гўзални мадҳ этади ва уни тарғиб қилади. У мутлақ гўзалликни фақат Худода ва нозил қилинган Унинг иродаси ёки сўзларида кўради. Шунга кўра, у ўз қарашларига мос янги санъат яратишга мойил эди. Муслмон санъаткор Худодан ўзга Илоҳ йўқлигига асосланиб, табиатдаги ҳеч нарса Аллоҳ Таолони тасвирлаб бермаслигига ёки ифода



Малининг Женне шаҳридаги буюк масжид

эта олмаслигига ишонч ҳосил қилган. У стилизациялаш ёрдамида ҳар бир объектни иложи борича табиатдан узокрокка олиб ташлаган. Дарҳақиқат, табиат объекти табиатдан шунчалик узоклаштирилганки, у деярли таниб бўлмайдиган бўлиб қолган. Унинг қўлида стилизация барча табиий нарсаларга ва яратилишнинг ўзига “йўқ”, деб айтадиган инкор этиш воситаси ҳисобланади. Умуман олганда, мусулмон санъаткор унинг табиийлигини инкор этиб, Худодан ўзга Илоҳ йўқ, деган салбий ҳукми кўринарли шаклда ифодалаган. Мусулмон санъаткорнинг бу шаҳодати (гувоҳлиги) ҳақиқатан ҳам табиатдаги трансцендентликни рад этишга тенгдир.

Мусулмон санъаткор шу билан чекланиб қолмаган. Унинг ижодий ютуғи, Худони табиат қиёфасида ифода этиш бир нарса эканлиги, лекин бундай тимсолда Унинг таърифга сиғмайдиганлигини ифодалаш бошқа нарса эканлиги ялт этиб миясига келганида пайдо бўлган. Худо (Унга Унинг трансцендентлигида ҳамду санолар бўлсин) кўриниб турган равишда ифодалаб бўлмаслигини англаш инсон учун мумкин бўлган энг юқори эстетик мақсаддир. Худо мутлақ, олий зотдир. Уни яратилишда

хеч нарса ифодалаб бўлмайди, деб билиш Унинг мутлақлиги ва юксаклигини жиддий қабул қилишдир. Яратилишдаги ҳамма нарсадан фарқли ўларок, Уни ўз хаёлида тасаввур қилиш, Уни “чиройли, бошқа гўзал нарсаларга ўхшамаган” деб хаёлга чўмишни англатади. Илоҳий ифодасизлик бу унинг маъноси чексизлик, мутлақлик, қиёмат ёки шартсизлик ва бепоёнлик бўлган илоҳий аломатдир. Чексиз бу ҳар жиҳатдан тасвирлаб бўлмайдигандир.

Ислом тафаккурининг ушбу йўналишдан келиб чиққан ҳолда, мусулмон санъаткор безатиш санъатини ихтиро қилган ва уни “Ислимийга”, яъни ҳар томонга чексизгача чўзилган ривожланмаган дизайнга айлантирган. Ислимий ўзи безаб турган табиат объектини, у хоҳ мато, металл, ваза, девор, шифт, устун, дераза ёки китоб саҳифаси бўлсин, барча йўналишларда чексиз чўзилган вазнсиз, тушунарли, сузувчи нақшга айлантиради. Табиат объекти алоҳида эмас, балки “транс-асосланган”. У фақат кўриш майдонига айланган. Эстетик нуқтаи назардан,



Шарқий Рим (Византия) империяси

ислимий муомаласидаги табиат объекти чексизликка деразага айланган. Унда чексизлик ишорасини кўриш, салбий бўлса ҳам, ҳиссий тасаввур ва ички ҳис учун берилган трансцендентликнинг маъноларидан бирини тан олишни англатади.

Бу мусулмонлар томонидан яратилган санъат асарларининг аксарияти нима сабабдан мавҳум бўлганлигини тушунтирмоқда. Ўсимликлар, ҳайвонлар ва



Мадинадаги Пайгамбар масжидининг ички кўриниши

одамларнинг шакллари ишлатилган тақдирда ҳам, санъаткор уларни ўзларининг танини рад этадиган, уларда бирон бир ғайритабиий моҳият борлигини инкор этадиган тарзда маълум услубга солган. Мусулмон санъаткорга бу интилишда унинг тилшунослик ва адабий мероси ёрдам берган. Худди шу мақсадда у Араб ёзувини хаттот танлаган ҳар қандай йўналишда ривожланмасдан чўзилган чексиз ислимийга айлантирадиган тарзда яратган. Худди шу нарсани мусулмон меъмор ҳақида ҳам айтиш мумкин, негаки унинг биноси ўзининг олд томони, вертикал проекцияси, уфқ чизиғи ва ҳар қаватдаги чизмаси бўйича ислимийдир. *Тавҳид* бу дунёқараш Исломга эътиқод қилувчи барча санъаткорлар учун, улар қанчалик жуғрофий ёки этник жиҳатдан бўлинмасин, умумий бўлган ягона махраждир.⁴⁷



Масжиднинг чироғи, Миср, тақрибан милодий 1360-й

ИЗОҲЛАР

1. “Исломда диний тажрибанинг моҳияти” асаридаги Исломнинг моҳияти борлиги ёки у маълум ёки англаб бўладиган эканлигига шубҳа қиладиган шарқшунослар ҳақидаги раддиямни қаранг, 20 (1973), 186-201-бетлар. Асл нусха: “The Essence of Religious Experience in Islam”, Numen, 20 (1973), pp. 186-201.

2. Шу жиҳатдан *тавҳид* тасаввуфдан ва ҳиндуийликнинг айрим оқимларидан фарқ қилади, бунда дунё ҳақиқати Худога эрийди ва Худо ягона ҳақиқатга, ягона мавжудга айланади. Шу нуқтаи назардан, аслида Худодан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас. Ҳамма нарса бир пуч хаёл ва уларнинг мавжудлиги ҳақиқий эмас. *Тавҳид* Ҳиндистон қарашларига мутлақо қарама-қарши йўналишда борадиган Қадимги Миср, Юнон ва Даосизм қарашларига бир хил даражада зиддир. Шу нуқтаи назардан, Яратувчининг борлиги яратилиш ёки дунё мавжудлигида эрийди. Шу билан биргаликда Миср, Худо ҳақиқатан ҳам Фиръавн ва баҳорда ердан ўсиб чиққан яшил ўт, суви ва ўзани билан Нил дарёси, илиқлиги ва ёруғлиги билан куёш диски деган фикрни қўллаб-қувватлаган. Юнон-Рим антиқийлиги Худо инсон табиати ёки шахсиятининг ҳар қандай жиҳати бўлиб, уни бир маънода табиатдан устун қўядиган, аммо уни бошқа маънода табиатга хос қиладиган даражада бўрттирилган деган фикрда турган. Ҳар ҳолда Яратувчи ўз яратгани билан қоришиб кетади. Рухонийлар таъсири остида Христианлик Худо Исо алайҳиссаломнинг танасида мужассамланганлигини ва Исонинг Худо эканлигини эълон қилганда *тавҳиддан* ажралиб чиққан. Исломнинг ўзига хос фарқи шундаки, у Худо ва дунё, Яратувчи ва яратилишнинг қатъий иккиланишни ва мутлақ тенгсизликни таъкидлайди. Илоҳий трансцендентлик масаласида аниқ ва муросасиз фикри туфайли Ислом табиатни инкор этувчи Шарқий (Ҳинд) муболаға билан Худони бошқа нарса деб инкор этувчи Ғарбий (Юнон ва Мисрлик) муболаға орасидаги олтин ўртани эгаллаб, сомиё башоратлари анъаналарининг асосий моҳиятига айланган.

3. Ушбу тамойил Худо ва инсоннинг мутлақ онтологик жиҳатдан ажратилишини, уларнинг тажассум этиш, илоҳийлаштириш ёки қўшилиш орқали бирлашиши мумкин эмаслигини кўрсатади. Бироқ, бу тамойил улар ўртасидаги алоқа имкониятини инкор этмайди. Аслида,

бу башоратдан ёки инсон итоат қилиши керак бўлган амр тўғрисида Худонинг хабаридан ажралмасдир. Бу ҳам ақл ёки ички ҳис ёрдамида мулоқот қилиш имкониятини истисно этмайди. Масалан, бирор киши жонзотларни кузатар экан, улар қаерга ва нима учун келганликлари ҳақида ўйлар экан ва улар эътиборга лойиқ Яратувчи, Тузувчи ва Суянчиғига эга бўлиши лозим деган хулосага келади. Бу ғоялар ёки мулоҳаза йўлидир. Охир оқибат, *тавҳидни* хоҳ Юнон, Рим, Ҳиндуийлик, Буддист ёки Насроний бўлсин, инсонни илоҳийлаштирувчи ёки Худони инсонийлаштирувчи барча назариялардан ажратиб турадиган Худо ва дунёни онтик равишда ажратишнинг ана шу тамойилидир.

4. Қуръондаги 3:191 ва 23:116 оятларида айтилганидек.

5. Қуръондаги 7:15; 10:5; 13:9; 15:29; 25:2; 32:9; 38:72; 41:10; 54:49; 65:3; 75:4, 38; 80:19; 82:7; 87:2-3 оятларида топилганидек.

6. Қуръони Карим 17:77; 33:62; 35:43; 48:23; 65:3.

7. “Табиатан” қилинган ҳар қандай хатти-ҳаракат аслида ахлоқий жиҳатдан холисдир ва у на мукофотга, на жазога лойиқдир. Масалан, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш ёки раҳм-шафқат ҳаракати ёки бо-сим остида қилинган адолатсизлик. Эркин бажарилган хатти-ҳаракат билан вазият бутунлай бошқача. Яъни, муаллиф буни қилиши ёки қилмаслиги мумкин ёки ундан ташқари бошқа бирон бир ҳаракатни бажара олади.

8. Бунга Худо яратилишининг мукамаллиги ҳақида гапирадиган (юқоридаги 4, 5 изоҳларга қаранг) ва инсоннинг ахлоқий бурчи ва масъулиятини таъкидлайдиган оятлар далолат беради. Охиргисини ҳисобласа жуда кўп.

9. Яратилишнинг инсонга бўйсунуши ҳақида сўз юритилган оятларда айнан шу маъно назарда тутилган, чунончи: 13:2; 14:32-33; 16:12, 14; 22:36-37, 65; 29:61; 31:20, 29; 35:13; 38:18; 39:5; 43:13; 45:11-12.

10. Қуръонда ахлоқий бурчга ҳамма жойда урғу берилганидек.

11. Қиёмат кунига бағишланган оятлар жуда кўп ва уларнинг барчасини келтиришга ҳожат йўқ. Бир нечта мисол: одам ҳисобсиз ёлғиз қолмайди (75:36), лекин Худо олдида жавоб беради. (88:26, 4:85)

12. Худо инсонни 4:156; 6:116, 148; 10:26, 66; 49:12; 53:23, 28 каби оятларда ўртоқларидан шубҳаланишни ман қилди.

13. Ушбу юнонча атаманинг араб тилида ҳеч қандай ўхшашлиги йўқ бўлиб, бу икки тил ортидаги онглар ўртасидаги фарқни кўрсатади. Юнонча атама насронийлар риоя қиладиган мантиқсиз догмани англатади.

14. Файласуфлар ақлни ваҳийдан юқори кўтариб, унга диний даъволарни баҳолашда устуворлик мақомини берганлар. Албатта, улар бу борада хато қиладилар. Шубҳасиз, Ислом мутафаккири сабабни бошқача қилиб аниқлашга ва унинг таърифини бошқа барча баёнотлар учун дастлабки шарт сифатида ишлатишга қодир. Албатта, ҳар қандай таърифнинг асослиги масаласи кўтарилиши мумкин ва бизнинг фалсафий ҳаётийлик ёки оқилонага, тўғриси, Ислом таърифининг устунлигига гумонимиз йўқ. Рационализм ушбу ерда якуний ички зиддиятларни рад этиш, деб берилган таъриф, бундан ташқари, солиҳ оталар анъаналарини давом эттириш қийматига эгадир.

15. Бунинг далилларини, ўзбошимчалик билан тақиқни шубҳа остига қўядиган оятларда, масалан, 5:90; 7:13; 66:1, шунингдек, “Муқаддас битикда тақиқланганидан бошқа ҳеч нарса ҳаром (тақиқланган) эмас”, деган ҳамма эътироф қилган усулий (қонуний) тамойилда топиш мумкин. “Аллоҳ сизларга ҳаром қилган нарсаларини батафсил баён қилиб берган” оятни ҳам кўриб чиқинг. (6: 119, 153)

16. Қуръони Карим, 6:42; 12:109; 13:40; 14:4; 15:9; 16:43; 17:77; 21:7, 25; 23:44; 25:20; 30:47; 37:72; 40:70.

17. Қуръони Карим, 4:162; 35:23. “Сендан илгари юборган ҳар бир Пайғамбарга: “Албатта, Мендан ўзга ибодатга сазовор Илоҳ йўқ. Бас, Менга ибодат қилинг”, деб ваҳий қилганмиз”.

18. Қуръони Карим, 30:30.

19. Қуръони Карим, 94:6.

20. Қуръони Карим, 49:6.

21. Қуйидаги 14-бобга қаранг. [“Исломнинг Маданий Атласи” асарининг асл нусхаси назарда тутилади].

22. Табиий ҳодисалар доимий равишда бир хил ўзгармас қонунларга риоя қилади, деган тамойил қабул қилинмагунча табиий фан-

лар ривожланмаган. Ислом ўз тарафдорлари орасида табиий фанларнинг ривожланишига айнан мана шуни киритган. Унинг коинотнинг Худога бўйсунувчи тартиби ҳақидаги қатъияти илмий руҳнинг ўсиши учун зарур муҳитни яратган. Табиатнинг доимийлиги йўқ, балки унда мужассам бўлган ихтиёрий Худолари ёки уни бошқарадиган сеҳрли кучларнинг ҳаракат соҳаси деган зид эътиқод ҳеч қандай фанга олиб келиши мумкин эмас.

23. Муайян ҳодисани ўрганадиган ва уни алоҳида таркибий қисмларга ажратадиган, шунингдек, уларнинг муносабатларини ўрнатадиган тарихдан фаркли ўлароқ, табиий фанлар маълум бир синфнинг барча тафсилотларига ёки синфнинг барча аъзоларига ёки барча синфларга тааллуқли умумий нақш ва ҳартомонлама қонун билан шуғулланади.

24. Ижтимоий ва гуманитар фанларда ҳам худди шундай бўлиб, мақсад инсоннинг шахсий ёки жамоавий хатти-ҳаракатларини бошқарадиган ёки белгилайдиган қонунларни ўрнатишдир.

25. “Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилиш учунгина яратдим” оятига кўра. (Қуръони Карим, 51:56)

26. Қуръони Карим, 2:30; 6:165; 10:14.

27. Қуръони Карим, 33:72.

28. Қуръони Карим, 15:29; 21:91; 38:72; 66:12.

29. Авлиё Августиннинг атамасидан фойдаланиш.

30. Қуръони Карим, 11:7; 18:7; 47:31; 67:2.

31. Қуръони Карим, 9:95, 106.

32. Қуръони Карим, 99:7-8; 101:6, 11.

33. Қуръони Карим, 11:61.

34. Қуръони Карим, 2:57, 172; 5:90; 7:31, 159; 20:81; 67:15; 92:10.

35. Аллоҳ Таоло Қуръонда айтганидек: “Эй жин ва инс жамоалари, агар сиз осмонлару ер чегараларидан чиқиб кетишга қодир бўлсаларингиз, чиқаверинглар. Фақат Султон ила чиқа олурсиз, холос”. (55:33)

36. Қуръони Карим, 57:27. Дарҳақиқат, биз “...бу дунёдаги на-

сибангни ҳам унутма...” илохий амр остида турибмиз. (28:77) Аллох одамларни уларга «бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик берилиши» учун Унга ибодат қилишга ўргатди. (2:201; 7:156) Бундан ташқари, агар улар яхши амаллар қилсалар, У уларнинг ибодатларини қабул қилишига ишонтирди. (16:30; 39:10)

37. Қуръони Карим, 21:92; 23:53.

38. Аср сурасида (103) айтилганидек. 49:10 ҳам қаранг.

39. Қуръони Карим, 3:103.

40. Қуръони Карим, 3:110; 5:82; 9:113; 20:54, 128.

41. Аллох Таоло қуйидаги оятларда буюрганидек: 3:32, 132; 4:58; 5:95; 24:54; 47:33; 64:12.

42. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг охириги ҳаж сафаридидаги видолашув хутбасидан келтирилган ҳолда, ҳадисда айтилмоқда. Уч томонлама келишилганлик деганда биз қараш, ақл ёки фикрлашнинг бир хиллигини, ирода ёки қарор ва ниятнинг келишувини, шунингдек, ҳаракатлар ёки инсон қўлларининг келишувини назарда тутамиз.

43. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муслмонларни унинг қисмлари бир-бирини мустаҳкамлайдиган яхши қурилган бино билан таққослаган, шунингдек, ҳар қандай орган ёки унинг бир қисмига ҳужум қилинганда таъсирига бутунлигича жавоб берадиган органик танага қиёслаган.

44. Қуръони Карим, 42:11.

45. Бу борада қўшимча маълумот олиш учун Исмоил ал-Форукийнинг “Ислом ва Санъат” асарига қаранг, Студия Исламика, 37 (1973), 81-109-бет. Асл нусха: Isma’īl al Fārūqī, “Islam and Art”, Studia Islamica, 37 (1973), pp. 81-109.

46. И. Р. ал-Форукий, “Диний санъат асарининг табиати тўғрисида”, Ислом ва замонавий давр, 1 (1970), 68-81-бет. Асл нусха: I. R. al Fārūqī “On the Nature of the Religious Work of Art”, Islam and the Modern Age, 1 (1970), pp. 68-81.

47. *Тавҳиднинг* бошқа санъатларга муносабати ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун қуйидагиларга қаранг: “Ислом Маданий Ат-

ласи” асл асаридаги 19-23 боблари, шунингдек, Лоис Ламия ал-Форуқий, Эстетик тажриба ва Ислом санъати, Исломобод: ҳижрий юз йиллик комитети, 1405/1985. Асл нусха: The Cultural Atlas of Islam; Lois Lamy’ al Fārūqī, Aesthetic Experience and the Islamic Arts, Islamabad: Hijrah Centenary Committee, 1405/1985.

Исмоил ал-Форуқий (1986-йилда вафот этган) фаластинлик-америкалик файласуф, кўрувчи ва қиёсий диншунослик бўйича эътиборли одам бўлган. Буюк замонавий ислом олими, унинг билимдонлиги дин, Ислом тафаккури, билимга ёндашувлар, тарих, маданият, таълим, динлараро мулоқот, эстетика, ахлоқ, сиёсат, иқтисод ва фан каби соҳаларни қамраб олувчи исломшуносликнинг бутун спектрига тарқалган. Шубҳасиз, у XX асрнинг буюк мусулмон алломаларидан биридир.

Ислом цивилизациясининг моҳияти Ислом эканлигига шубҳа йўқ, Исломнинг моҳияти эса тавҳиддир, яъни Аллоҳни ягона, мутлақ, трансцендент (тажриба билан билиб бўлмайдиган) Яратувчиси, барчасининг Раббиси ва Ҳукмдори сифатида тасдиқлаш ҳаракати. Ушбу иккита асосий дастлабки шарт ўз-ўзидан равишан. Улар ҳеч қачон ушбу цивилизацияга мансуб бўлганлар ёки унда иштирок этганлар томонидан шубҳага олинмаган. Яқиндагина миссионерлар, шарқиунослар ва Исломнинг бошқа шарҳловчилари улар ҳақида шубҳа тугдиришди. Мусулмонларнинг таълим даражаси қандай бўлишидан қатъий назар, улар Ислом цивилизацияси ҳақиқатан ҳам моҳиятга эга эканлигига, бу моҳият англаб бўладиган ва уни таҳлил қилиши ёки тавсифлашига қодир эканлигига, унинг тавҳид эканлигига шак-шубҳасиз ишонадилар. Ушбу китобнинг мавзуси Ислом цивилизациясининг биринчи белгиловчи тамойили сифатида тавҳидни моҳият ўрнида таҳлилидир. Муаллиф шарҳига кўра, тавҳидни хоҳ Юнон, Рим, Ҳиндуйлик, Буддист ёки Насроний бўлсин, инсонни илоҳийлаштирувчи ёки Худони инсонийлаштирувчи барча назариялардан ажратиб турадиган Худо ва дунёни онтик равишда ажратишининг ана шу тамойилидир.

